

## **“Тупроқсифаттахлил” ДУК томонидан 2021 йил давомида иш фаолиятига доир бажарилган ишлар ХИСОБОТИ**

Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” ва “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сонли “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Қишлоқ хўжалиги вазиригининг "TUPROQSIFATTAHLIL" DUK томонидан 2021 йил давомида **Хоразм вилояти ва Қашқадарё вилоятларининг** суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг тупроқлар сифатини баҳолаш ҳамда харитага тушириш ишлари амалга оширилди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида вилоятнинг суғориладиган ер майдонларида тупроқ сифатини баҳолаш ишлари олиб борилди ҳамда **кадастр гурухларига** ажратилди:

Ўтказилган тадқиқот натижасида вилоятнинг олдинги тур тупроқ сифатини баҳолаш натижаларига нисбатан ҳозирги кундаги тупроқ сифатини баҳолаш кўрсаткичлари **0,7 баллга** ошганлиги, яъни Хоразм вилояти суғориладиган тупроқларининг мелиоратив ҳолати яхшилананаётганлиги кузатилди.

Хоразм вилоятида тупроқ сифатини баҳолашда туманларнинг ўртача балл бонитети бўйича қўйидаги ўзгаришлар аниқланди.

**Жумладан**, Хива туманида балл бонитети **1,7 баллга**, Янгиариқ туманида **1,2 баллга**, Кўшкўпир туманида **1,0 баллга**, Хонқа туманида **1,0 баллга**, Янгибозор туманида **0,8 баллга**, Шовот туманида **0,8 баллга**, Бофот туманида **0,8 баллга**, Хазорасп туманида **0,7 баллга** ошиши натижасида тупроқларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланганлигини шунингдек, Урганч туманида **-0,3 баллга** пасайиши натижасида туман тупроқларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашганлигини кузатиш мумкин.

**Қашқадарё вилояти** суғориладиган ер майдонларида тупроқ сифатини баҳолаш ишлари олиб борилди ҳамда **кадастр гурухларига** ажратилди.

Ўтказилган тадқиқот натижасида вилоятнинг олдинги тур тупроқ сифатини баҳолаш натижаларига нисбатан ҳозирги кундаги тупроқ сифатини баҳолаш кўрсаткичлари **0,3 баллга** ошганлиги, яъни Қашқадарё вилояти суғориладиган тупроқларининг мелиоратив ҳолати яхшилананаётганлиги кузатилди.

Қашқадарё вилоятида тупроқ сифатини баҳолашда туманларнинг ўртача балл бонитети бўйича куйидаги ўзгаришлар аниқланди.

**Жумладан**, Косон туманида балл бонитети **0,9 баллга**, Нишон туманида **0,9 баллга**, Қамаши туманида **0,8 баллга**, Муборак туманида **0,7 баллга** ошиши натижасида тупроқларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланганлигини шунингдек, Дехқонбод туманида **-2,3 баллга**, Шахрисабз туманида **-0,5 баллга** пасайиши натижасида туман тупроқларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашганлигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони, “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 14 мартағи ПҚ-4239-сон қарори ва “Қишлоқ хўжалигида тупроқнинг агрокимёвий таҳлил тизимини такомиллаштириш, экин ерларида тупроқнинг унумдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 июндаги 510-сон қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг "TUPROQSIFATTAHLIL" DUK томонидан **2021 йил давомида Қашқадарё ва Хоразм вилоятининг** суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер майдонларида тупроқ тадқиқот ишлари бажарилиб, ҳар бир массив учун 1:10 000 миқёсидаги тупроқ агрокимёвий картограммалари тузилди.

**Қашқадарё ва Хоразм вилоятининг** суғориладиган ер майдонларида тупроқ агрокимёвий картограммалари ишлаб чиқилиб, тупроқнинг асосий озуқа-элементлари билан таъминланганлик даражаси ҳамда гумус миқдори, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий бўйича кўрсаткичларга ажратилди.

Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш билан боғлик бўлган масалаларини тўғри ҳал этиш учун тупроқнинг агрокимёвий хоссаларини ўрганиш зарур. Тупроқларни агрокимёвий текшириш ва картограммалаш ишлари аввало, органик ва минерал ўғитлардан тўғри фойдаланиш имконини беради.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида суғориладиган ер майдонларида тупроқ агрокимёвий картограммалари ишлаб чиқилиб, тупроқнинг асосий озиқа-элементлари билан таъминланганлик даражаси ҳамда гумус миқдори, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий бўйича кўрсаткичларга ажратилди.